

## ОРОЛ МУАММОСИ ВА БУГУНГИ КУН

*Носиров Рашид Адилевич, т.ф.д.профессор,  
Тошкент давлат транспорт университети*

**Аннотация.**Мақолада Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда 70 йилдан кўпроқ олиб борган мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа республикаларнинг табиий хомашё ресурсларидан ўйламай-нетмай фойдаланиши, ишлаб чиқаришнинг экстенсив йўлдан ривожланиши, пахта яккаҳоқимлигининг изчиллик билан жорий этилиши, турли хилдаги кимёвий заҳарли моддаларнинг қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд ишлатилиши, Орол денгизининг қуриб бориши ва сабаблари ва бугунги кундаги оролга бўлган ёндашувлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:**Орол, сиёсат, мустамлакачилик сиёсати, қишлоқ хўжалиги, экстенсив ривожланиш.

Ўзбекистонда Совет ҳукуматининг 70 йилдан кўпроқ олиб борган мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа республикаларнинг табиий хомашё ресурсларидан ўйламай-нетмай фойдаланиши, ишлаб чиқаришнинг экстенсив йўлдан ривожланиши, пахта яккаҳоқимлигининг изчиллик билан жорий этилиши, турли хилдаги кимёвий заҳарли моддаларнинг қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд ишлатилиши бу ерда табиий мувозанатни издан чиқарди. Айниқса, 80-йилларда ҳалокатли тус олган жуда мураккаб экологик муаммоларни вужудга келтирди, шу сабабли Орол муаммоси ҳалокатли тус олди. 1960 йилдан бошлаб Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида янги ерларни ўзлаштириш соҳасида кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилди, булар учун дарё сувини қўшимча равишда тортиб олиш талаб қилинарди. Қолаверса, Қорақалпоғистонда пахтачилик билан бир қаторда шолчилик ҳам юксак суръатлар билан ривожланди. Бироқ ерларни ўзлаштириш илмий асосда олиб борилмади. Дехқончиликни ривожлантириш экстенсив усулда амалга оширилганлиги сабабли, сув ресурсларининг асоссиз равишда ҳаддан ортиқ даражада исроф қилинишига олиб келди. Оролга эса унинг “улуши” бериб турилмади, бу эса денгизнинг қуриб боришига сабаб бўлди. Агар 1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтаси 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этиб, унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилган бўлса, 1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи 32,5 метрга, сув ҳажми 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг

квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки барабар ортди. Амударё ва Сирдарёдан Орол ҳавзасига қуйиладиган сув оқими 12,7 км. кубга тенг бўлиб, бу ўтган асрнинг 60-йилларидагига нисбатан 4,5 баробарга камайиб кетди, ҳудудида 5,5 миллион гектар тузли қум майдонлари ҳосил бўлди. Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронларидан мутахассисларнинг берган маълумотига қараганда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилмоқда. Шунингдек, Орол денгизи сувининг шўрланиш даражасининг ортиши балиқ ва бошқа денгиз мавжудодларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди. Бугунги кунда сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26, ўсимликларнинг 11 тури йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди.

Орол денгизининг қуриб бориши бир қатор салбий ҳодисаларга олиб келди: биринчидан, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши экин майдонларининг шўрланишига, бу майдонлар бир қисмининг қишлоқ хўжалиги оборотидан бутунлай тушиб қолишига сабаб бўлди. Масалан, Ўзбекистондаги бутун экин майдонларининг 60 фоизи, Туркменистондаги экин майдонларининг 80 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланган; **иккинчидан**, денгиз сувининг шиддат билан пасайиб бориши натижасида 3 млн га.дан ортиқ қуриган денгиз тубини қумли саҳрога айлантирди. Денгиз тубининг қуриган шўрхок ерларидан кўтарилган туз бу ҳудудлардаги экин майдонларини яроқсиз ҳолга келтирмоқда;

**учинчидан**, Орол денгизининг қуриб бориши Қизилқум ва Устюртнинг шарқий қисмидаги ўсимликларнинг сийраклашиб боришини кучайтирди, бунинг натижасида яйловларнинг табиий имконияти пасайиб кетди, ўртача йиллик ҳисобга кўра қарийб 5 млн. тонна қимматли озуқалар йўқолиб бормоқда. 800 минг га. майдондаги қамиш ўсадиган массивлар нобуд бўлди, қадимдан сақланиб келаётган тўқай ўсимликлари хусусан, доривор ўсимликларининг қимматли турлари, чунончи, сариқ нилфия, оқ кўзача, дала қирқбўғини, қиздирувчи қичитқи ўт, ботқоқ шиповниги ва бошқалар йўқолиб кетиш арафасида турибди. Саҳрога айланиш жараёни кучайиши натижасида Орол бўйидаги кўпгина ҳайвонларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди; **тўртинчидан**, денгиз суви сатҳининг мунтазам пасайиб бориши минтақанинг иқлим шароитларининг ўзгаришига олиб келди. Оролбўйининг иқлими янада кескин континенталроқ бўлиб қолди. Совуқ бўлмайдиган кунлар сони ортиб кетди, ёзда эса ҳаво ҳарорати 2 даража иссиқроқ бўлиб, қишда 2 даража совуқроқ бўлиб турибди, атмосферанинг қурғоқ бўлиши кучайди; **бешинчидан**, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида дарёларга фойдаланилган коллектор сувларининг ташланиши натижасида сувнинг таркиби ёмонлашиб, уни амалда ичиш у ёқда турсин ҳатто суғориш учун ҳам яроқсиз қилиб қўйди. Бу ҳол Оролбўйининг эпидемиологик ва санитария-гигиена шароитини кескинлаштириб, касаллик ва

ўлимнинг ортишига олиб келди. Табиатдаги салбий ўзгаришларнинг таъсири остида 1980 йилдан бошлаб камқонлик билан хасталаниш 550 баравар ортди ва 10 минг аҳоли ҳисобига 1160 киши даражасига етди;

**олтинчидан**, ерларнинг кучли шўрланиши тарихий-маданий муҳитга ва унинг таркибий қисми бўлган маданий ёдгорликларга тузатиб бўлмас даражада зарар етказмоқда. Масалан, мил. Авв. IV асрга тааллуқли Қўйқирилган қалъадаги энг қадимги расадхона тиклаб бўлмас даражада шикастланди. Эллиққалъадаги 50 дан ортиқ энг қадимги маданият ёдгорликларидан фақатгина 10 таси сақланиб қолди. Хоразмшоҳларнинг қадимги қароргоҳи бўлган Тупроққалъа (милодий I – IV асрлар) ҳам ҳалокат ёқасида турибди.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари ҳамкорлигида Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозга барҳам бериш ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилотдир. Таъсисчи давлатлар ушбу жамғармага галма-гал уч йил муддатга раислик қилади ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари навбати билан Оролни кутқариш халқаро жамғармаси Президенти этиб сайланади. 2017 йилдан 2019 йилгача жамғармага Туркманистон раислик қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур саммит жамғарманинг 2009 йили Тошкентда ўтган тарихий мажлисидан сўнг ташкил этилаётгани билан аҳамиятлидир. Таъсисчи давлатлар раҳбарларининг Тошкент учрашувида минтақада экологик ҳалокатнинг олдини олиш йўлида муҳим саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинган эди.

Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият ўнглаб бўлмайдиган ҳолатга келган, унинг салбий таъсири тобора кенгайиб бораётган бугунги шароитда давлат раҳбарларининг ижтимоий, иқтисодий, экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамфикрлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича кенг миқёсли лойиҳаларни амалга оширди. Орол денгизи қуриган 350 минг гектар майдонга саксовул ва шўрга чидамли ўсимликлар экилиб, бутазорлар барпо этилди. Бундай ҳудудларнинг умумий майдони қарийб 700 минг гектарга етди.

Орол ҳалокати оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича 2013 – 2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини

ривожлантириш Давлат дастури доирасида Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, экологик фалокат асоратларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшилаш чоратadbирлари кўрилмоқда.

Хулоса:Бугунги кунда Марказий Осиёда сув соҳасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани, минтақа мамлакатларида сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бўйича икки томонлама ва кўп томонлама лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани таъкидланди. Орол муаммоси оқибатларини юмшатиш, сувни тежаш ва ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилашда Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, Оролбўйи ҳудуди учун экологик тоза технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари кенг қамдаги ишлар амалга оширилмоқда.

## REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018
2. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 30 декабрь, 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т., “Адолат”, 2017.
5. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2019.
6. 6. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Т.,”Ғофур Ғулом”, 2017
7. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
8. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
9. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potentialL,2022
10. R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021

11. N.R Nosirov . Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects// European Journal of Molecular and
12. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO ‘NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
13. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
14. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – T. 9. – С. 203-205.
15. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
16. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
17. Ziyayev K.Z., Ismailova Sh.B., Method of determination of transport intensity in urban conditions, *European multidisciplinary journal of modern science* (2022), volume 5
18. Mukhitdinov A., Ziyaev K., Method for evaluating the energy efficiency of regulated driving cycles, *European science review*(2016), volume 9-10
19. Mukhitdinov A., Ziyaev K., Analiz rejima raboti dvigatelya legkovogo avtomobilya v gorodskix usloviyax dvijeniya, *Evolyusiya sovremennoy nauki* (2016),
20. Ziyaev K., Сравнительная характеристика методов оценки стандартизованного ездового цикла, *Universum: технические науки*(2020)
21. Ziyaev K., Методика сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий, *ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА* (2017)
22. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 86-88.
23. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." *инновации в педагогике и психологии* 5.3 (2022).
24. Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." *European Journal of Molecular and Clinical Medicine* 8.1 (2021): 1388-1396.